**Етказиб бериш шартномаси № 02**

«26» январь 2022 йил Андижон шаҳар

Бизлар ким қуйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «AUER 94» МЧЖ номидан И.Расулов келгусида (кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади) ва иккинчи томондан Вилоят Болалар уйи номидан ўз низоми асосида иш олиб борувчи раҳбар Д.Б.Саттарова келгусида (кейинги ўринларда «ташкилот» ёки «харидор») деб юритилиб, қуйидаги мазмунда шартнома туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

1.1 «Таъминотчи» мазкур шартномада келишилган озиқ-овқат маҳсулотини муддатида «Ташкилот»га етказиб бериш, «Ташкилот» эса маҳсулотларни қабул килиб олишни ва пулини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Маҳсулотлар таннархи, миқдори, сифати ва баҳоси қуйида келтирилган жадвалда кўрсатилган.

| *№* | *Маҳсулот номи* | *Ўлчов бирлиги* | *Сони* | *Нархи* | *Умумий сумма* |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Каша молочная для детского питания | кг | 75 | 77 913,0 | 5 843 475,0 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | **Жами** | | | | **5 843 475,00** |

Жами: 5 843 475,00 (беш миллион саккиз юз қирқ уч минг тўрт юз етмиш беш) сўм 00 тийин.

2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ:

2.1 «Таъминотчи» таъминотни фақатгина «Ташкилот» буюртмасини олгандан сўнг амалга оширади, маҳсулотни буюртма олгандан сўнг 3 кун муддат ичида белгиланган ҳажмда амалга оширади.

2.2 «Таъминотчи» маҳсулотни «Ташкилот»нинг қуйидаги манзилига автомобиль транспорти орқали етказиб беради. Етказиб бериш манзили: Андижон шаҳар Ўзбекистон кўчаси №202-уй.

2.3 Маҳсулотлар «Ташкилот»нинг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда қабул килиб олингандан сўнг, маҳсулотга эгалик ҳуқуқи ва жавобгарлик мажбурияти «Ташкилот» га ўтади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1 «Ташкилот» маҳсулот етказиб берилиши белгиланган вақтга қадар 1 кун муддат ичида «Таъминотчи»га маҳсулот учун буюртмани қуйидагиларни кўрсатган холда такдим этади:

- Етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотлар микдори; маҳсулот сифати; маҳсулот ассортименти;

3.2 Етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотнинг ассортименти миқдори ҳамда таъминот муддатларини «Ташкилот» мустақил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос бўлган танлов (тендер) савдоси ташкил этган комиссия баённомасида кўрсатилган ёки комиссия томонидан қуйилган шартлардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

3.3 «Таъминотчи» томонидан маҳсулотлар етказиб берилмай қолганда, етказиб берилмаган микдордаги маҳсулотни 1 кун муддат ичида ёки «Ташкилот» билан келишилган ҳолда, шартнома амал қилиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кўзда тутилган маҳсулотларга қўшиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.4 «Таъминотчи» томонидан етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилган маҳсулотларни «Ташкилот» огоҳлантирилган ҳолда қабул қилмаслик хуқуқига эга.

3.5 «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермаслик холатларида «Ташкилот» қуйидаги талабларни қуйиш хуқуқига эга.

- Харид нархларини (етказиб берилган сифатсиз маҳсулотлар қиймати билан сифатли маҳсулотлар қиймати ўртасидаги фарқ)га камайтириш
- Сифатсиз маҳсулотларни, «Таъминотчи» ҳисобидан сифатли маҳсулотларга 1(бир) кун муддатда алмаштириб беради;
- Сифатсиз маҳсулотларни «Ташкилот» томонидан ўз маблағлари эвазига, яроқлисини ажратишга уни тозалашга ва маҳсулотни яроқли холга келтириш учун бошқа харажатларни тулаш;

3.6 Агар «Таъминотчи» мазкур шартномада белгиланган микдордаги маҳсулотни етказиб бермаса ёки «Ташкилот»нинг сифатсиз маҳсулотларини алмаштириб бериш хакидаги талабларини бажармаса белгиланган тартибда қўшимча келишувга асосан бекор қилиниши мумкин.

4. МАҲСУЛОТЛАР БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ:

4.1 Шартноманинг умумий қиймати5 843 475,00 (беш миллион саккиз юз қирқ уч минг тўрт юз етмиш беш) сўм 00 тийинни ташкил этади.

4.2 Олинган озиқ-овқат маҳсулотлар учун тўловлар «Ташкилот» бюджет ҳисоб рақамидан: 5 843 475,00 (беш миллион саккиз юз қирқ уч минг тўрт юз етмиш беш) сўм 00 тийин маблағни пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

4.3 Ҳисоб-китоб «Ташкилот» томонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.